




**“Сув таъминоти ва оқава сув
объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси” УК
Фарғона вилоят ҳудудий
бошқармаси бошлиғи
Р.Холиқназаровга**

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Фарғона тумани Беруний МФЙ ҳудудида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Фарғона тумани Беруний МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 502 м³ ҳисобланиб, Беруний МФЙ ҳудудида 2 донга тик ичимлик сув қудуғи қазилсин, лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан тармок тортилиб МФЙ ҳудуди ичимлик суви билан таъминланиб, қурилиш монтаж ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан ҳулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза ҳулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Фарғона туман бош муҳандиси:**

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Фарғона туман ИЧБ муҳандиси:**



О.Зияпов

М.Мамиров